



## CRITERIA FOR VERIFYING AND EVALUATING THE RESULTS OF RAPID SEARCH OPERATIONS WHEN USING THEM AS EVIDENCE

**Bekzod Yakubov**

*Employee of the Khorezm Regional Department*

*Department for Combating Economic Crimes under the Prosecutor General's Office of the Republic of Uzbekistan  
Khorezm, Uzbekistan*

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** operational search activity, ordaliya, aspekt, the witness, evidence, to prove, a disguised operation.

**Received:** 27.11.24

**Accepted:** 29.11.24

**Published:** 01.12.24

**Abstract:** this article deals with the basic principles of evaluation and verification of things(items) and documents found as a result of investigative measures in the criminal process, as well as the grounds for finding evidence obtained as a result of investigative actions as acceptable or unacceptable, as well as the conducted investigative actions. The legality of the evidence found during the investigation and the investigation of criminal cases from this evidence.

## ТЕЗКОР – ҚИДИРУВ ТАДБИРЛАРИ НАТИЖАЛАРИНИ ДАЛИЛ СИФАТИДА ФОЙДАЛАНИШДА ТЕКШИРИШ ВА БАХОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

**Бекзод Якубов**

*Хоразм вилояти бошқармаси ходими*

*Ўзбекистон Республикаси Боши прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарии курашии департаменти*

*Хоразм, Ўзбекистон*

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** тезкор-қидирув, ордалия, аспект, гувоҳ, далил, ниқобланган операция, исбот қилиш.

**Аннотация:** мазкур мақолада жиноят-процесси бўйича тезкор-қидирув тадбирлари натижасида тўпланган нарса(буюм) ва ҳужжатларга далил сифатида баҳо бериш ва текширишнинг асосий принциплари ҳақида сўз юритилиб, тезкор – қидирув тадбирларини ўтказиш натижасида тўпланган далилларнинг мақбул ёки номақбул деб топилиши асослари ҳамда ўтказилган тезкор қидирув тадбирлари давомида тўпланган

далилларнинг қонунийлиги ва ушбу далиллардан жиноят ишларини тергов қилиш ҳамда суд муҳокамаси давомида қилмишни айблилигини исбот қилишнинг асосий воситаси сифатида фойдаланиш асослари борасида илмий-назарий ва амалий тавсиялар бериб ўтилган, шу билан бирга, назариётчи олимлар, тажрибали амалиётчи ходимларнинг фикр ва муроҳазалари таҳлил қилинган.

## КСПРЕСС - КРИТЕРИИ ПРОВЕРКИ И ОЦЕНКИ РЕЗУЛЬТАТОВ ПОИСКОВОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ КАК ДОКАЗАТЕЛЬСТВ

**Бекзод Якубов**

*Сотрудник администрации Хорезмской области*

*Управление по борьбе с экономическими преступлениями при Генеральной прокуратуре Республики Узбекистан*

*Хорезм, Узбекистан*

### О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** оперативно-розыскных мероприятий, ордalia, аспект, свидетель, доказательство, замаскированная операция, доказат.

**Аннотация:** В данной статье рассмотрены основные принципы оценки и исследования предметов и документов, обнаруженных в результате проведения оперативно-розыскных мероприятий в уголовном производстве. Научно-теоритические и практические основания принятия или отклонения доказательств, полученных в результате проведения следственной деятельности, а также законности доказательств, полученных в ходе следственной деятельности, и основания использования этих доказательств в качестве основного средства расследования уголовных дел и даются рекомендации по доказыванию вины в ходе судебного разбирательства, при этом анализировались мнения и мнения учёных-теоретиков и опытных практиков.

Ўзбекистон Республикасининг жиноят - процессуал қонунчилиги бўйича тезкор - қидирув тадбирлари натижасида тўпланган нарса(буюм) ва хужжатларга далил сифатида баҳо беришнинг асосий принциплари ва мазмунини тўла тушуниб этиш учун унинг тарихий аспектларини ҳам билиш лозим. Тарихда билиш методологияси билан ҳар биридан фарқ қилувчи турли далилларга баҳо бериш тизимлари мавжуд бўлган. Академик Ҳ.Бобоев бу борада, “Авесто” китобида баён этилишича, қасам ичib аҳд қилган киши ўз аҳдини бажармаган ёки уни бузга ҳолларда ҳақлигини исботлаш процессуал нормалардан *Ордalia* (синаб кўриш ёки жазо бериш) кўлланилганлиги хусусида айтиб ўтган.[1]

А.Г.Преханяннинг фикрича, Сипитомент Зардушт таълимотида адолатли суд қилиш ҳамда далилларга баҳо бериш учун *Ордалияниңг* ўттиз уч усули мавжуд бўлган бўлиб, бунга кўра, агар сўз қасам тўғрисида бўлса, одатда сув билан синаш, агар шартномага оид бўлса, ўт билан синаш ўтказилиб, айбдор ва гумондорга ўзини ўзининг ҳақлигини исботлашга имкон берилган.[2] Чунки у замонларда “Ҳақиқат самонинг амри” ақидасига амал қилиниб, замонавий тушунчалар бўйича айбловни тасдиқловчи ёки уни инкор этувчи далиллар тақдим этиш ёхуд уларга баҳо беришнинг бошқа усулларини қўллашга йўл қўйилмаган.

Далилларга баҳо бериш, синовнинг ташқи жараёнларига риоя этилганлигига ишора қилувчи маълумотларни кўриб чиқиш ва жараён бузилишларини тегишли тарафнинг фойдасига ҳал этиш билан чегараланган. “Авесто”да баъзи бир жиноятларни ҳукуқий жиҳатдан тўғри баҳолашда уларнинг объектив, яъни ҳаққоний томонини аниқлашга катта аҳамият берилган.

Ўзбекистон худудида, салкам XIV аср амал қилган ислом ҳукуқида қўйидагилар исбот қилишнинг асосий турлари ҳисобланган, яъни айбини тан олиш, гувоҳнинг кўрсатувлари, қасам ичиш, ёзма далиллардир.

Айбни тан олиш маълум ашё ёки далилга алоқадор бўлиши ҳамда ҳолатга қараб аниқ ва батафсил белгиланиши талаб этилган. Гувоҳнинг кўрсатувлари сифатида фақат гувоҳнинг ўзи кўрган ва билган ҳолатлари ҳусусидаги кўрсатувларигина далил сифатида эътиборга олинади, бошқа бирордан эшитган, билганлари эса гувоҳлик кўрсатувлари сирасига киритилмаган. Суд жараённан бошқа бирорнинг топшириғига кўра, фақат икки ва ундан ортиқ гувоҳ иштирокида гувоҳлик бериш мумкин бўлган. Бу борада Ж.Шодиев Бухоро амирлигига гувоҳ тариқасида суд жараённан: вояга етмаганлар, қуллар, ғайридинлар, тухматчи, ёлғончи, иғвогар, қасамхўрлар жазога тортилганлар, яқин қариндошлар иштирок эта олмасликлари ҳусусида фикр юритган.[3] Айрим жиноят ишларида икки, ҳажми катта ишларда эса тўртта эркак кишининг гувоҳ сифатида иштирок этиши, бир эркак гувоҳнинг ўрнига икки аёл гувоҳлиги далил сифатида талаб қилинган. Суд жараённан гувоҳлар ўртасида, айниқса уларнинг кўрсатувларида ихтилофлар юзага келса, уларнинг барчаси ёлғон гувоҳлик берганликда айбланиб, жиноий жавобгарликка тортилган.

Қозилик судлари томонидан далилларга баҳо бериш уларнинг олиниши тартибида риоя этилганлигини текшириш ва қонун асосида ҳар бир далил ва барча далиллар мажмуининг қимматини аниқлашдан иборат бўлган, агар натижа “етук” далил (айбни тан олиш) ёки ундан ортиқни ташкил этса, қозилик судлари томонидан айблов ҳукми чиқарилган, натижа “етук” далилдан оз бўлган ҳолларда эса айбланувчи “тумон остида қолган” ёки оқланган.[4]

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини такомиллаштириш чора–тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3723-сонли Қарорига кўра жиноят-процессуал қонунчилиги нормаларини такомиллаштириш концепциясига кўра қонунчилик нормаларини тизимлаштириш, жиноят процессида шахснинг хуқук ва эркинликлари кафолатларини ишончли таъминлаш механизмларини такомиллаштириш, жиноят процессининг янги шакл ва тартибаомилларини киритиш каби масалалар асосий вазифа сифатида белгилаб берилди.[5] Ушбу вазифалар белгиланиши тезкор-қидирав тадбирларида ва қўзғатилган жиноят ишлари доирасида тўпланган нарса(буюм) ва ҳужжатларга далил сифатида баҳо берилишида юзага келаётган муаммоларни ҳал қилишда эътиборга олинадиган ҳолатлар орқали қилмишнинг жинойлигини ёки шахснинг айбисизлигини суд-тергов органларида исбот қилишда далиллар, уларни мустаҳкамлаш ва баҳолаш тизимини ҳамда институтини янада такомиллаштиришни тақозо этади.

Тезкор тадбирлар натижасида қўзғатилган жиноят ишлари доирасида тақдим қилинган ёки тўпланган нарса(буюм) ва ҳужжатларга далил сифатида баҳо беришда уларнинг зарур белгиларини ўзида мужассам этган шундай хусусиятларни инобатга олиш керакки, уларсиз тақдим қилинган ёки тўпланган нарсалар ва ҳужжатлардан далил сифатида фойдаланиш мумкин эмас. Яъни, тақдим қилинган ёки тўпланган нарса(буюм) ва ҳужжатлар алоқадорлиги, мақбуллиги, ишончлилиги, аҳамиятлилиги ва етарлилиги нуқтаи назаридан далил сифатида эътироф этилади.[6]

Бундан кўринадики, тезкор-қидирав тадбирлари натижасида тўпланган нарса(буюм) ва ҳужжатларни далиллар сифатида эътироф этишда уларнинг алоқадорлиги, мақбуллиги, ишончлилиги, аҳамиятлилиги ва етарлилиги тўғрисидаги жиноят-процессуал қонунчилик талабларига риоя этилишини таъминлашнинг илгор хорижий тажрибасини ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш вазифаси бугунги кунда долзарб аҳамият касб этади.[7]

Далилларга баҳо бериш институтининг тубдан такомиллаштирилиши, жиноят ишларини қўшимча терговга қайтариш амалиётининг бекор қилиниши ҳам қўшимча туртки бўлди, сабаби суд томонидан жиноят иши бўйича барча ҳолатлар атрофлича ўрганилиб, текширилиб, алоқадорлик ва мақбуллик масалаларининг ижобий ҳал этилиши, ўз навбатида оқлов ҳукмларининг қўпайишига замин яратди.[8]

Далилларга баҳо беришда оралиқ ва якуний хулосаларнинг ҳақиқийлиги ҳамда асосланганлиги қўп жиҳатдан тегишли субъект томонидан фикрлаш фаолиятининг тўғри ташкил этилишига боғлиқдир. Фикрлашнинг қонунияти ва шаклини тадқиқ этиш мантиқ предметига мансуб бўлганлиги учун далилларга баҳо бериш ўз ичига далиллар тизими ва улардан чиқарилган хулосаларнинг мантиқан тўғрилигига баҳо беришни ҳам қамраб олади.

Бир қатор тезкор-қидирув тадбирларини амалга ошириш жараёнида қўлга киритилган жиноят содир этган шахслар тўғрисидаги дастлабки маълумотлар жиноят иши бўйича далилларни тўплаш ва текширишга қаратилган келгуси тергов харакатларини тўғри танлашга ёрдам берувчи йўналтирувчилик вазифасини бажаради.[9]

Тезкор-қидирув тадбирлари натижаларидан жиноят ишлари бўйича далил сифатида фойдаланиш жиддий қийинчиликлар туғдиради, чунки тезкор-қидирув тадбирининг яширин харакатерини сақлаган ҳолда унинг натижаларини изоҳлаш ҳамда тезкор ахборотни далилга айлантириш усулларини топиш керак бўлади.[10]

Бу борада, ўтказилган тезкор-қидирув тадбирлари натижасида олинган ёки тўпланган нарса(буюм) ва хужжатларнинг процессуал қоидаларга мувофиқлиги ва талабларга мослиги аниқланиши лозим.

Тезкор-қидирув фаолиятининг натижаларидан фойдаланиш муаммоси кўп жиҳатли бўлганлиги сабабли, ушбу атамани таҳлил қиласдан уни ҳал этишнинг иложи йўқ. “Натижа” бу – қандайдир фаолиятнинг, ишнинг пировард якуни, яъни тезкор-қидирув фаолиятининг якуни деганда мазкур фаолият вазифаларини ҳал қилиш тушунилади.[11]

Тезкор-қидирув фаолияти натижалари деганда мазкур фаолият субъектлари томонидан, жиноят аломатлари ва уларни содир этган шахслар, шунингдек давлат хавфсизлигига таҳдид солаётган шахслар, ҳодисалар, харакатлар (харакатсизлик) ҳақида қонунда белгиланган тартибда олинган маълумотлар тушунилади.[12]

Тезкор-қидирув фаолияти натижалари, жиноят излари сақланиб қолган жиноят содир этиш қуроли ёки қурол сифатида фойдаланилган воситалар, хужжатлар, жиноий йўл билан қўлга киритилган пул ва қимматликлар, жиноят аломатлари, шунингдек жиноят содир этиш шароити ва айбдорларни аниқлашда восита ҳисобланиши мумкин бўлган бошқа нарсаларнинг яширинган жойлари тўғрисидаги маълумотларда ўз ифодасини топади.[13]

Жиноят-процессуал қонунчилигига кўра тезкор-қидирув фаолияти натижасида қўлга киритилган маълумотлар, жиноят ишини қўзғатиш асослари сифатида тўғридан-тўғри кўрсатилмаган бўлсада, тезкор тадбирлар натижасида жиноят аломатлари тўғрисидаги аниқланган маълумотлар тезкор ходим томонидан белгиланган тартибда билдирги шаклида расмийлаштирилган бўлса, ундан жиноят ишини қўзғатиш учун асос ва далил сифатида фойдаланилиши мумкин, билдиргида тезкор-қидирув тадбири натижасида аниқланган жиноятни содир этилиш ҳолатлари, бундай маълумотларнинг аниқ манбаи, ушбу маълумотларни қўлга киритган ходим ҳақидаги маълумотлар кўрсатилиши шарт.[14]

Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Конунида тезкор-қидирув тадбирлари натижаларидан далил сифатида фойдаланишнинг уч йўналиши белгиланган бўлиб, улар: - жиноят процессига тааллукли; - тезкор-қидирув фаолияти

соҳасига; - алоҳида ишларга рухсат бериш билан боғлиқ йўналишлардан иборатdir. Жиноят судлов талабларига мувофиқ тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан фойдаланиш имконияти ва чегаралари Жиноят-процессуал қонунчилиги билан белгиланади, яъни Жиноят-процессуал кодексининг 85-моддасига мувофиқ исбот қилишнинг мазмуни – ишни қонуний, асосланган ва адолатли ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги ҳақиқатни аниқлаш мақсадида далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашдан иборатdir.[15]

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ти Қонунда, Жиноят-процессуал кодексида ва бошқа қонун ҳужжатларда ҳам тезкор-қидирув фаолияти натижасига аниқ тушунча берилмаган бўлиб, уларга қандай ҳужжатлар киритилиши аниқ қайд қилинмаган, фақатгина Жиноят-процессуал кодексида тезкор тадбирлар натижасида тўпланган нарса(буюм) ва ҳужжатлар қандай талабларга амал қилинган ҳолларда ўтказилган тақдирдагина далил деб эътироф этилиши ва тезкор-тадбир натижасида фош қилинган ёки аниқланган қилмишни жиноийлигини исботлашда асос бўлиши кўрсатилган.

Бундан кўринадики, тезкор-қидирув фаолиятининг натижалари Жиноят-процессуал кодексида қайд этилган далиллар рўйхатига киритилган бўлиб, бунда тезкор тадбирларни ўтказишдан асосий мақсад қилмишни жиноийлигини исботлаш эмас, балки тайёргарлик кўрилаётган ёки содир қилинган жиноятни аниқлаш ва очиш учун ахборот тўплаш ҳисобланади ва шу мақсадда ўтказиладиган тезкор тадбирлар натижалари Кодексда белгиланган талаблар бўйича қайд қилиниши ва расмийлаштирилиши лозимdir.

Тақдим этилган тезкор тадбирлар натижасидан қонунчиликда далилларга кўйиладиган талабларга жавоб берадиган, аҳамиятли бўлган ҳолатларни аниқлаш учун ҳақиқий маълумотларга эга бўладиган, қандай тезкор тадбирлар натижасида тахмин қилинган далиллар олинганлиги ва жиноят-процессида далиллар олишга имконият берадиган маълумотлар, ишга алоқадор, мақбул ва ишончли деб баҳоланган далиллар сифатида шаклланган бўлсагина жиноят иши бўйича исбот қилишда фойдаланишга йўл кўйилади.[16]

Юкорида тезкор тадбирлар давомида далилни процессуал расмийлаштириш далилларни олиш ва тўплашнинг мажбурий элементи эканлигини таъкидлаб ўтдик, чунки далилларни мустаҳкамлаш қонунчиликда белгиланган талаблар асосида бажарилмаса, далил номақбул деб баҳоланади ва исботлаш воситаси ҳисобланмайди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Бобоев Ҳ. “Авесто”да сиёсий – ҳукукий қарашлар. Давлат ва ҳукук. – Тошкент. “ТДЮИ”. 27.01.2000 й. 49 б.

2. Переханян А.Г. Общество и право Ирана в парфянский и Сананидские периоды. –Москва. “Наук”. 16.09.2000 й. 175 б.
3. Шодиев Ж. Бухоро амирлигига суд тизими. Ҳаёт ва қонун. – Ташкент. “ТДЮИ”. 12.04.2005 й. 79-80 б.
4. Барабаш А.С. Сущност уголовного процесса и его роль в формировании ответственности правонарушитель. –Кроансноярск. “Юрид”. 02.07.2007. С.131-132.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 ноябрдаги “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари түғрисида”ги ПҚ-3723-сонли Қарори. <https://lex.uz/docs/3432426>.
6. Соркин В.С. Особенности процессуального доказывания в уголовном судопроизводстве: Монография. – Гродно. “ГрГУ”. 23.05.2002 й. 135 б.
7. Саломов Б.С. Адвокатская деятельность, её гарантии и социальная защита адвокатов в Республике Узбекистан. – Ташкент. “Фан” – 12.06.2005 й. 319 б.
8. Миразов Д.М. Терговга қадар текширув ўтказиш асослари, тартиби ва хусусиятлари. Ўкув қўлланма. – Ташкент. “ИИВ Академияси”. 23.05.2016 й. 38 б.
9. Азизхўжаев Б.А. Оценка доказательства уголовном процессе. – Ташкент. “Узбекистан”. 12.04.1995 й. 108 б.
10. Гинзбург А.Я. Опознание в следственной. Оперативно-розыскной и экспертной практике: Учебно -практическое пособие. – Москва. “Юрид”. 23.10.2004 й. 122 б.
11. Каримов В.А. Тезкор-қидирув фаолияти: Ўкув қўлланма. – Ташкент. “ТДЮУ” 02.06.2020 й. 111-112 б.
12. Голунский С.А. Вопросы доказательственного права в основах уголовного судопроизводства. – Москва. “Норма”. 14.09.2007 й. 52-53 б.
13. Кокорев Л.Д. Проблемы доказательств в уголовном процессе. – Воронеж. “Норма”. 27.08.2001 й. 152 б.
14. Хакбердиев А.А. Тезкор-қидирув фаолияти: Ўкув қўлланма. – Ташкент, “ТДЮУ”. 02.06.2017 й. 116 б.
15. Каримов В.А. Тезкор-қидирув фаолияти: Ўкув қўлланма. – Ташкент. “ТДЮУ” 02.06.2020 й. 112-113 б.
16. Кипнис Н.М. Допустимость доказательств в уголовном судопроизводстве. – Москва. “Норма”. 14.02.2003 й. 142-143 б.